

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

---

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

4-2020

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

<b>Д.Анваров</b>	
“Бобурнома” асарида Эсан Давлатбекимнинг Фарғона водийси жараёнларидағи тасвири..	167
<b>М.Жўраев</b>	
Ўрта Осиё туркий халқлари астромифологиясида оқбўзот ва кўкбўзот юлдузлари.....	170
<b>З.Рахимов, Д.Гуломов</b>	
Романда ассоциатив сюжет.....	174
<b>М.Ғаниев</b>	
Ўзбек насрода тарихий роман генезиси ва ривожи.....	176
<b>М.Хамидов</b>	
Романларда Машраб образи билан ёндош тарихий шахслар .....	180
<b>Р.Умурзаков</b>	
Мумтоз адабиёт намуналарида бола образи ва давр руҳи .....	186
<b>И.Саймуратова</b>	
Исажон Султоннинг “Боқий дарбадар” романида бош қаҳрамон масаласи .....	190
<b>Д.Тўраева</b>	
Бадий ижодда онгли ва интуитив ҳолатлар .....	195
<b>Н.Бўриева</b>	
Уилям Шекспир сонетларининг бадий хусусиятлари .....	200
<b>Н.Ҳамраев</b>	
Нодавлат телеканаллар медиамаҳсулотлари номланишининг ўзига хос хусусиятлари .....	204
<b>Х.Убайдуллаев</b>	
Турли тиллардаги фразеологизмларнинг эквивалентлари ҳақида .....	208
<b>М.Батирханова</b>	
Соматик фразеологизмларнинг таснифлаш масаласига доир.....	211
<b>Ш.Хасанова</b>	
Расмий иш услубининг лексик ва фразеологик хусусиятлари.....	214
<b>Г.Турдиева</b>	
Лингвокультурология замонавий лингвистик таълимот сифатида.....	217
<b>Л.Галимуллина</b>	
Инглиз тилида фразеологик бирликларда учрайдиган қимматбаҳо тошлар ва металларнинг рамзий аҳамияти.....	221
<b>Н.Гофурова</b>	
Инглиз ва ўзбек тилларида қурилиш терминларининг структурал - семантик таснифи .....	226
<b>У.Маҳмудова</b>	
Тилшуносликда реклама мустақил дискурс сифатида .....	229
<b>З.Акбарова</b>	
Концепт ва лисоний онг .....	233
<b>З.Тожиматова</b>	
Ўзбек адабиётидаги илк аёл ижодкорлар ва уларнинг ўрганилиши.....	235
<b>Х.Хусамбоева</b>	
Умумий ўрта таълим муассасаларида таълим сифатини оширишда рейтинг индикаторларининг аҳамияти .....	238
<hr/>	
<b>ФАНИМИЗ ФИДОЙЛАРИ</b>	
Адабиётимиз фидойиси .....	241

“улуг онам” жумласини ишлатганидан ҳам билсак бўлади. Айнан ўша даврда бу юртга салоҳиятли ҳукмдорни тарбиялаб бериши жуда катта тарихий воқеа ҳисобланарди.

Захириддин Мұхаммад Бобур ўз асарида куч Эсан Давлатбекимда бўлганлигига ишора қилиб ўтган. Бунинг асоси шунда эдикӣ, куч ўз ўрнида маълум даражада хазина билан ҳам белгиланар эди.

Демак, бу аёл маълум даражада хазинани ҳам яхши назорат қилган ва бошқарган. Бундан ташқари маликани шайхлар ва қозилар қўллаб-кувватлаган, давлат хазинасидан ташқари ўзининг шахсий хазинаси ва маблағлари бўлган. Бу аёл том маънода мустақил малика бўлган десак тарихий ҳақиқатга мисол бўла олади.



Шуни апоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, Захириддин Мұхаммад Бобурнинг таҳтга чиқиши учун қўйилган илк қадами Эсон Давлатбекимнинг Андижондаги чорбоғидан бошланган. Бу ҳақда “Бобурнома”да шундай ёзилган: "...бу воқеа даст берганда мен Андижонда чаҳорбоғда эдим. Сешанба куни рамазон ойининг бешида бу хабар Андижонга келди”. Умаршайх Мирзо ҳалокати ҳақидаги хабар келгандан кейин, афтидан, дарҳол Эсон Давлатбеким ўзининг Қўштегирмондаги чорбўгига маслаҳат кенгashi ўтказган. Шу ўринда яна бир нарсага эътибор қаратиш лозим. Ўша даврда бу аёлнинг шахсий чорбоғи бўлганлигининг ўзи ҳам Эсан Давлатбекимнинг нуфузи қай даражадалигини белгилаб беради.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, умумий хулоса қиласидан бўлсак, тарихий шароит нуқтаи назаридан Захириддин Мұхаммад Бобурнинг таҳтни эгаллашига ёрдамчи кучлар зарур эди. Биринчи навбатда, унга энг асосий ёрдамчи куч хонзода Эсан Давлатбеким бўлди. Моҳир сиёсатчи аёл туфайли таҳт набирасига насиб қилди. Шу ўринда Эсан давлатбеким сиймосида давлат асосларини яхши билган, набирасини қўллаб-кувватлаган ва уни келажак сари йўналтирган маликани кўришимиз мумкин. Бундан ташқари, ўша даврда ҳам Марказий Осиёда, жумладан, Мовароуннаҳр ўлкасида ҳам аёларнинг давлат бошқарувида иштирок этиши буғунги кундаги гендер тенглиги масалаларига маълум даражада мисол бўла олади

#### Адабиётлар:

1. Бобур З.М. Бобурнома. -Т.: Юлдузча, 1990.
2. Мирзо Ҳайдар. Тархи Рашидий. –Т.: Fan, 1996.
3. Мұхаммад Солих. Шайбонийнома. –Т.: F.Гулом, 1989.
4. Бобур энциклопедияси. -Т.: Sharq, 2014.
5. Ўзбекистон миллый энциклопедияси.–Т.: 2000.
6. Усмонов Б.А. Фарғона водийси Амир Темур ва темурийлар даврида. Монография. – Фарғона. 2019.
7. Жалилов С. Бобирнинг Фарғона давлати. -Т.: Фан, 1995.
8. Жалилов С. Фарғона сугорилиш тарихи. – Т., 1973.
9. Азимджанова С. К истории Ферганы второй половины XV века. – Т.: Изд-во АН Узб, 1957.
10. Mukhoty I. Daughters of the Sun: Empresses, Queens and Begums of the Mughal Empire. – Delhi., 2018.
11. Soma Mukherjee. Royal Mughal Ladies and Their Contributions. Gyan Books. 2001.
12. B. S. Chandrababu; L. Thilagavathi. Woman, Her History and Her Struggle for Emancipation. Bharathi Puthakalayam. 2009.

(Тақризчи: М.Исомиддинов – тарих фанлари доктори, профессор).

## ҮРТА ОСИЁ ТУРКИЙ ХАЛҚЛАРИ АСТРОМИФОЛОГИЯСИДА ОҚБҰЗОТ ВА КҮКБҰЗОТ ЮЛДУЗЛАРИ

### ЗВЕЗДЫ АКБУЗАТ И КУКБУЗАТ В АСТРОМИФОЛОГИИ ТЮРКСКИХ НАРОДОВ СРЕДНЕЙ АЗИИ

### STARS AKBUZAT AND KUKBUZAT IN ASTROMYTHOLOGY OF TURKIC PEOPLES OF CENTRAL ASIA

М.Жұраев<sup>1</sup>

<sup>1</sup> М.Жұраев

– филология фанлари доктори, профессор

#### Аннотация

Мақолада Үрта Осиё түркій халқларының фольклорында қайд қилинған Оқбұзот ва Күкбұзот юлдузлары тұғрисидегі қадимги астрамифологиялық миғалдар да самовий миғалдар таҳлил қилинған. Ушбу юлдузлар тұғрисидегі миғаларның қиёсий үрганиш асосида үзбек фольклорында астраль миғалар генезиси қадимги түркійлар мифологиясындағы бөглиқтің аниқланған.

#### Аннотация

В статье анализируются древние астрамифологические представления и космогонические мифы, зафиксированные в фольклоре тюркоязычных народов Средней Азии. На основе сравнительного анализа доказано, что генетические источники узбекских астральных мифов непосредственно связаны с древнетюркской мифологией.

#### Annotation

This article analyzes the ancient astromythological ideas and cosmogonic myths recorded in the folklore of the Turkic peoples of Central Asia. Based on a comparative analysis, it is proved that the genetic origins of Uzbek astral myths are directly related to ancient Turkic mythology.

**Таянч сүз ва иборалар:** астрал афсона, астрамифология, фольклор, сюжет, космоним, эпос, құшиқ, мотив, поэтика, генезис.

**Ключевые слова и выражения:** астральный миф, астрамифология, фольклор, сюжет, космоним, эпос, песня, мотив, поэтика, генезис.

**Keywords and expressions:** astral myth, astromythology, folklore, plot, cosmonym, epic, song, motive, poetics, genesis.

Қадимғы аждодларимизнинг турмуш тарзи, дәхқончилик ва чорвачилик билан шуғулланиш эхтиёжи осмон ёритқичлары ҳаракатини мунтазам кузатыб боришни тақазо этган. Чорвадорлар янги яйловларга күчиш муддатини, дәхқонлар эса дала юмушларини бажарыш вақтларини осмон ёритқичларининг ҳолатига қараб белгилашған. Шу тариқа түпленған кенг қамровли фенологик кузатышлар асосида ой, қүёш ва юлдузлар ҳаракатига асосланған вақт ҳисоби амаллари – халқ тақвимлари юзага келған. Юлдузлар ҳаракати ва ҳолатини муттасил кузатған боболаримиз бұз сама жисмларининг ҳар бирини алоҳида номлар билан атаб, улар ҳақида түрли миф ва афсоналарни ҳам яратышған. Аждодларимизнинг юлдузлар тұғрисидегі қадимий тасаввурлар, инонч-эътиқодлары астраль миғалар ёки астрамифологияда үз

ифодасини топған. Астраль миғалар асосан этиологик характерда бўлиб, юлдузларнинг пайдо бўлиши, уларнинг осмон гумбазидаги доимий ҳаракати сабабларини тушунтириш, изоҳлаш мақсадида ҳикоя қилинған [10, 11-45; 11, 121-125].

Халқимизнинг қүёш билан ой, юлдузлар ва табиат ҳодисалари ҳақидағы мифологиялық тасаввурлари орасида Оқбұзот билан Күкбұзот деб аталувчи юлдузлар тұғрисида ҳам үзига хос асотирий қарашлар мавжуд. Бу юлдузлар билан боғлиқ самовий миғалар үрта асрларда яратылған «Аттухфатуз зияти филлуғатит туркия» (Түркій тил (қипчоқ тили) ҳақида ноёб тұхфа)» номли луғатда «іккі боз ат» атамасига берилған «құтби шимол яқындағы иккі юлдуз номи, шомдан әрталабғача сұнмайды» деган қайдномада[3, 94] ҳам үз ифодасини топған.

Илмий астрономияда бу юлдузлар номи «Оқ мерин» ва «Кўк мерин» деб юритилади.

Ўзбек фольклоршунослигининг асосчиси Ҳ.Зарифов томонидан ёзиб олинган мифда Темир қозик юлдузига боғлаб қўйилган Оқбўзот билан Кўкбўзотни ўғирлаш учун Етти қароқчининг туни бўйиним билмай қувиб юриши тасвирланган [12, 80]. Бу миф сюжети бошқа туркий халқлар фольклорида ҳам учрайди. Жумладан, туркман мифларида Оқбўзот билан Кўкбўзот осмонда ўтлаб юрган икки самовий аргумоқ, Темир қозик ана шу тулпорларни қўриқлаб турувчи қоровул, Етаган эса етти нафар қароқчи сифатида гавдаланади. Етти қароқчи бу отларни ўғирлашга қанчалик уринмасин, Темир қозик бунга йўл бермас, отлар ҳам Темир қозикдан узоқлашмай, унинг теварагида ўтлашаркан [6, 40-41].

Қирғиз мифологиясида эса Кичик айик туркумida чўмичнинг учидаги икки юлдуз «Ак сары ат» ва «Кок сары ат», яъни Оқ сариқ от ва Кўк сариқ от дейилади. «Қут жылдыз», яъни Қутб юлдузига узун арқон билан боғланган бу отлар ўша жойдаги яйловда ўтлаб юришар экан. Қароқчилар кечаси билан ана шу отларни қўлга киритиш учун уларнинг атрофида айланиб юришар, аммо тонг отгач, куруқ қўл билан қайтиб кетишаркан. Бу ҳодиса ҳар куни тунда тақорланаверар экан [4, 48]. Мазкур мифнинг бошқа бир вариантида айтилишича, «кўк подшосининг Оқсари от ва Кўк сари от деган иккита яхши тулпори бор эмиш. Улар олтин қозикқа боғлаб қўшилган эмиш. Етти нафар кўк ўғрилари бу отларни ўғирлаш учун илмоқ ташлашар, аммо арқони етмас эмиш». Қирғизларнинг яна бир мифида айтилишича, Катта айик юлдузлари “жиды-каракчи” бўлиб, улар Акбузат ва Кукбузат деган учқур самовий тулпорларнинг ортидан қувиб юрган етти бўри экан. Ана шу етти бўри отларни қувиб етиб, тутиб олса ва еб қўйса ўша куни қиёмат қойим бўлиб, дунё остин-устун бўлиб кетаркан. Қирғиз мифларидан яна бирида эса Темир қозикнинг яқинида жойлашган бу икки юлдуз бири оқ, бири қора икки от деб тушунтирилади: Кўк подшосининг Оқ сари от ва Кўк сари от деган икки аргумоғи бўлган экан. Подшо ўзининг отларини олтин қозикқа узун арқон билан боғлаб қўйган экан. Кўкда яшовчи ўғрилар бу отларни қўлга

туширмоқчи бўлиб арқон ташлашибди, аммо арқон етмабди. Аммо улар умидсизликка тушмай, ҳамон ана шу икки отнинг ўғирлаш умидида арқон ташлашни давом эттиришар эмиш. Оқ сари от билан Кўк сари от бўлса олтин қозик атрофида айланиб юришар, етти ўғри уларнинг орқасидан қувиб айланар экан [5,28].

Темир қозик юлдузига боғлаб қўйилган икки оқ от ва уларни ўғирламоқчи бўлган Етти қароқчи тўғрисидаги миф қозоқ фольклорида ҳам мавжуд. Унда айтилишича, Етти қароқчининг икки томонидаги икки ёргу юлдуз – икки ботир, уларнинг ёнидаги юлдузлар эса уларнинг отлари эмиш. Оқбўзот билан Кўкбўзот номли бу отлар Темир қозикқа боғлаб қўйилгани учун унинг атрофида айланиб ўтлаб юришаркан. Етти қароқчи бу отларни ўғирламоқчи бўлиб кечаси билан қулай пайт пойлаб чиқар, аммо сергак ботирлар ўз отларига ҳамиша кўз-кулоқ бўлиб туришар, бу орада тонг отиб, ўғрилар ўзларини панага олишга мажбур бўлишар экан [1,80].

Татар фольклорида «Акбузат йолдыз, Кукбузат йолдыз, Темирказық бер ялғыз» мақоли қайд қилинганлиги [7, 26] ва унда мазкур уч юлдуз номининг кетма-кет тилга олиниши Волга бўйи туркий халқларининг космогоник мифологиясида ҳам Қутб юлдузига боғлаб қўйилган самовий аргумоқлар тўғрисидаги архаик сюжет мавжуд бўлганлигидан далолат беради.

«Оқбўзот» ва «Кўкбўзот» космонимлари ва улар билан боғлиқ астраль мифларнинг шаклланиш тарихи туркий халқлар мифологиясининг архаик қатламига бориб тақалади. Анъанага кўра, қаҳрамоннинг яқин кўмақдоши ва дўсти ҳисобланган эпик от қўпинча оқ ёки бўз (яъни кўк) тусли тулпор сифатида тасвирланади. Элтариш Ҳоқоннинг кичик ўғли шарафига қўйилган қадимги туркий тошбитигида ёзилишича, Қултегин оқ бўз отларини миниб жанггоҳга кирап экан [16,23-30]. Бундай отлар эзгулик тимсоли сифатида улуғланганлиги «Ирқ битиги»даги «Бўз отли элчи эзгу хабар келтиради» мисраси ҳам тасдиқлайди [16,49]. Қаҳрамоннинг жанговар отини бўз айғир ёки бўз тулпор деб таърифлаш анъанаси бошқирд эпосида ҳам ўз бадиий ифодасини топган. Урал ботирнинг «кўкда туғилиб, кўкда ўсган» тулпори Оқбўзот деб аталади.

*Болотка еткан таузарзы,  
Икерип ашкан Акбузат.  
Таяғы тейған урындан,  
Кул сыгарған Акбузат.  
Елеп уткен ереннен,  
Тау сыгарған Акбузат [13,85].*

Таржимаси:

*Булутга етған тоғлардан,  
Сакраб ўтған Оқбүзот.  
Туёғи теккан ерлардан,  
Кул чиқарған Оқбүзот.  
Елиб ўтған ерлардан,  
Тоғ чиқарған Оқбүзот.*

Эпик отнинг Оқбүзот деб аталиши, унинг «осмонда туғилиб, ўсан тулпор» деб таърифланиши туркий халқларнинг юлдуга айланган самовий аргумоқлар, Темир қозиқ, Оқбүзот ва Кўкбўзот ҳақидаги мифологик қарашларига боғланади.

Бошқирд фольклорида “Акбузат” номли достон мавжуд бўлиб, биринчи марта 1917 йилда М.А.Бурангулов томонидан Оренбург губерниясининг Оренбург уездидаги Бурзян волостига қарашли Бабалар қишлоғида яшовчи халқ “сэсэн”и (эпик асарларни ижро этувчи баҳшиси) Гатиатулла Биккужиндан ёзиб олинган. Асарда қаҳрамоннинг қанотли тулпор – Акбузотда Урал тоғлари худудидаги эпик саргузаштлари тасвирланган. Бошқирд мифологияси талқинича, “Акбузат” қанотли мифик от бўлиб, “Урал батыр” номли халқ эпосида юқори олам билан боғлиқ эпик ҳомий сифатида ҳам тасвирланган. Афсоналарда ҳикоя қилинишича, Бошқирдистондаги Бугадак, Шулган кўллари ҳамда Шулганташ ғорида бу ғаройиб отнинг руҳи, яъни “Акбузат руҳы” яшаркан. У оқ от минганд оппоқ либосли чавандоз кўринишида намоён бўларкан [14,19].

Атоқли олим Х.Зарифов ўзбек халқ достонларидаги эпик «от образида кўзга ташланадиган мифологик хусусиятларнинг изларидан яна бири отнинг юлдуз билан

*Ҳалинчагим жўнасин,  
Сариқ отим сақлансанун,  
Кўқ отим кўқлансанун,  
Пушти отим пишлансанун,  
Оқ отим оқлансанун [8,35-36].*

Фольклоршунос Ш.Галиев ушбу қўшиқда қўлланилган ранглар тимсолининг поэтик маъноларини фасллар билан боғлайди. Унинг фикрича, «ана шу поэтик рамзлар тили воситасида юқоридаги қўшиқни таҳлил қиласидиган бўлсак, қуйидаги

боғланиши»нинг тарихий илдизлари астраль мифларга алоқадорлигини «Оқбўзот», «Кўкбўзот» юлдузлари ҳақидаги асотир мисолида илмий асослаб берган эди [12, 80]. Хоразм эртакларидан бирига сингдириб юборилган қўйидаги астраль мифда ҳам бу юлдузлар тўғрисидаги мифологик қарашлар ўз ифодасини топган. Бу астраль миф «Қирқ ёлғон» номли бу эртақда отини излаб осмонга сафар қилган қаҳрамоннинг саргузаштлари баён қилинган бир лавҳада шундай акс эттирилган: «мен қўлимни узатиб, булутларни қўлим билан ёриб қарасам, жийрон бия билан тўриқ қулун Зухра юлдузининг ўнг томонида, Етти оғайнининг ёнбошида, бир тоғнинг ёнбағрида, акамнинг йилқилариға қўшилиб юрибди» [15,174-175]. Кўринадики, «жийрон бия билан қулун», яъни икки отнинг Етти оғайнин юлдузи ёнида деб тасвирланиши Оқбўзот ва Кўкбўзот тўғрисидаги мифнинг эпик талқинини эслатади.

Тилшунос олим А.К.Боровков томонидан XX асрнинг 20-йилларида ёзиб олинган болалар фольклори намуналаридан бири – қизлар арғимчоқ учаБтганда айтиладиган қўйидаги қўшиқда ҳам самовий аргумоқлар тўғрисидаги мифологик тасаввурлар акс этганга ўхшайди:

ифодаларга эга бўламиз: «кўқ отим кўқлансанун» – кўклам келиб, бутун олам ям-яшил либосга бурканиши; «сариқ отим сақлансанун» – мева-чевалар ғарқ пишган ёз тимсоли, умуман олганда, сариқ – пишиқчилик тимсоли; «пушти отим